



ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Жорий йил 20 ноябрь куни Тошкентда, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси хизмати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилidir” деб ном олган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 39-сон баёни, 20-бандига кўра, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 2 майдаги 118-сон буйруғига асосан (Режага кўра 2023 йилда республика миқёсида 8 та йўналиш бўйича 280 та тадбир ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, умумий иштирокчилар қамрови 37 000 га яқин бўлиши кутилмоқда.) ташкил этилди ҳамда оффлайн иштирокчилар сони 205 кишидан, онлайн иштирокчилар сони 98 кишидан иборат бўлди.

Эътироф этиш керак, бугун Президентимизнинг узоқни кўзлаб, донолик билан олиб бораётган очик ва прагматик сиёсати, халқаро майдонда ўртага ташлаётган ташаббуслари туфайли Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузи ошиб бормоқда. Бироқ, муаммолар ҳам оз эмас. Минг афсуски, бутун дунёда глобал қийинчилар пайдо бўлмоқда, иқлим ўзгариши, сув танқислиги республикамиз қишлоқ хўжалиги учун ҳам бегона эмас. Дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби эса йилдан йилга ортиб бораётир. Мана шундай шароитда Ўзбекистон олимлари, қишлоқ хўжалиги тизими мутасаддилари аввало нималарга эътибор қаратиши керак? Негаки, ўлкамизда йилдан йилга сув ресурсларининг тақчиллиги сезилаётган, экологик бўҳронлар кучайиб бораётган бўлсада, қишлоқ хўжалигида

ҳали ишга солинмаган имкониятлар талайгина. Айниқса илмий тавсияларга, бу соҳадаги сўнгги янгиликларни ишга солган ҳолда экинларни оптимал жойлаштириш, ҳосилдорликни ошириш, инновацион ишланмаларни кенг қўллаш, қишлоқ хўжалиги тизимини зараркундалар ва касалликлардан кимёвий усулда эмас, балки асосан биологик усулда ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Асосий муаммо биз ҳар қанча мақтанмайлик, республика миқёсида экинлар ҳосилдорлиги илмий хулосаларда белгиланганидан бир неча бараварга паст, устига-устак зараркунанда ва касалликлар қарши курашда кутилганидек натижаларга эришилмаяпти. Ўсимликни уруғлик чоғидан бошлаб, уни экишу униб чиқиши, вегетация даври, ҳосилни териб олиш, сақлаш жараёнларида шу қадар кўп хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқдаки, бу охир-оқибат якуний даромаднинг пасайишига, мамлакат экспорт салоҳиятини тушиб кетишига олиб келмоқда. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, яқин келажакда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ва шу тариқа экспорт ҳажми ҳозиргига нисбатан беш-ўн карра ортиши керак. Серқуёш ўткамиз табиати, тўрт фасл кетма-кет келадиган ўзига хос иқлими ҳар қандай нозиктаъб харидорни ҳам ўзи жалб этадиган хуштаъм неъматлар етиштириш имконини беради ва бу маҳсулотларнинг органик

бўлиши кўп жиҳатдан ўсимликларни ҳимоя қилишда фақат ва фақат биологик усулни янада самарали қўллашга боғлиқ. Шу ўринда дунё бўйича ҳар йили ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийиб 25-30 фоизини зараркунанда офату касалликлар йўқотаётганини ва бу иллат юртимизни ҳам четлаб ўтмаганини назарда тутмоқ зарур. Демак нажот - илмда, илмий тадқиқотлар натижасини амалиётда нечоғлиқ қўллай олишимизда.

Халқаро анжуманда сўзга чиққан таниқли олимлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш тизими билимдонлари ана шу муҳим мавзуларда ўзаро фикрлашди, бу борадаги сўнгги инновацион таклиф ва мулоҳазаларини баён этишди.

Илмий анжуман иштирокчилари 3 хил йўналишда ўз фаолиятини олиб боришди:

- Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик, кимёвий ҳимоя тадбирлари самарали қўллаш, бу борадаги муаммолару ечимлар;

- Озиқ-овқат хавфсизлигида ўсимликлар фитосанитар ҳолати тизимига илғор технологияларини жорий этиш;

- Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи препаратлар ва гербицидларни қўллаш, шу йўналишда инновацион технологияларга таяниш каби долзарб муаммолар муҳокама қилиниб Италия, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Хорватия, Қирғизистон халқаро экспертлари, олимлар, амалиётчилар, профессор-ўқитувчилар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва экспорт қилаётган кластер ва фермер хўжалиги мутахассислари ўзаро фикр алмашди. Иштирокчилар ўсимликлар карантини ва ҳимояси йўналишидаги янгиликлар, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги инновацион, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, халқаро стандартларни жорий қилишнинг сўнгги натижалари билан таништирилди; соҳадаги ютуқлар ҳамда муаммолар таҳлил қилиниб, муҳокама қилинди. Анжуман илмий тавсия ва мулоҳазаларга бойлиги, савол-жавоблар кўплиги билан кўпчиликда яхши тассурот қолдирди ва олимлар учун янги ҳамкорлар топиш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 39-сон баёни 20-банди биринчи хатбошисида белгиланган 2023-йилга мўлжалланган халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар рўйхати Олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Абдурахмоновнинг 02.05.2023 йилдаги 118-сон буйруғига асосан (Режага кўра 2023 йилда республика миқёсида 8 та йўналиш бўйича 280 та тадбир ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, умумий иштирокчилар қамрови 37 000 га яқин бўлиши кутилмоқда.) 2023 йил 20 ноябрь куни Ўсимликлар

карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида **“Ўсимликлар карантини ва ҳимояси хизмати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилиди”** мавзусида халқаро миқёсида илмий-техник анжуман ташкил этилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда биологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Бугунги кунга келиб ялпи етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоиздан ошиғи биологик усул ёрдамида етиштирилишимоқда. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробарга кўпайтириш, юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринларини яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни талаб этади.

2023 йил 20 ноябрь куни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида **“Ўсимликлар карантини ва ҳимояси хизмати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилиди”** мавзусида халқаро миқёсидаги илмий амалий анжуман оффлайн иштирокчилар сони 205 киши, онлайн иштирокчилар сони 98 кишини, умумий иштирокчилар сони 303 кишини ташкил этди. Илмий анжуманда 3 хил йўналиш бўйича:

- Ўсимликлар зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик, кимёвий ҳимоя тадбирларининг ҳолати, муаммолари ва ечимлари;

- Озиқ-овқат хавфсизлигида ўсимликлар фитосанитар ҳолатини илғор технологияларини жорий этиш;

- Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи препаратлар ва гербицидларни фойдаланида инновацион технологиялар йўналишида долзарб муаммолар муҳокама қилиниб Италия, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Хорватия, Қирғизистон халқаро экспертлар, олимлар, амалиётчилар, профессор-ўқитувчилар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва экспорт қилаётган кластер ва фермер хўжалиги ходимларига, амалиётчи мутахассислар, талаба ва магистрантларни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси хизмати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида эркин маълумот ва фикр алмашилди, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги инновацион, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, халқаро стандартларни жорий қилишнинг сўнгги натижалари билан таништирилди; соҳадаги ютуқлар ҳамда муаммолар таҳлил қилиниб, муҳокама қилинди, шунингдек, анжуман иштирокчилари ўртасида илмий ҳамкорлик алоқаларини боғлаш имкониятлари яратилди.

1-SHO'BA

O'SIMLIKLARNI ZARARKUNANDALARDAN HIMOYA QILISHDA BIOLOGIK, KIMYOVIIY HIMOYA QILISH TADBIRLARINING HOLATI, MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

UO'T: 937:635.64+632.2.7.78

G'O'ZA AGROBIOTSENOZIDA O'SIMLIK BITLARIGA QARSHI PARAZIT ENTOMOFAGLARNI QO'LLASHNING SAMARADORLIGI

Kimsanbayev Xo'jamurot Hamroqulovich, b.f.d. professor,
Anorbaev Azim Rayimqulovich, q.x.f.d. professor,
Rustamov Atxam Axmatovich, q.x.f.d. dotsent,
Toshkent davlat agrar universiteti.

Annotatsiya. Ilmiy tadqiqotlar davomida g'o'za ekinlari so'ruvchi zararkunandalarining sonini boshqarishda (*Aphidiidae*) oila vakillarining *Lysiphlebus fabarum* Marsch tur tarkibi hamda ularning o'simlik bitlariga qarshi biologik samaradorligi keng o'rganilgan va ilmiy asoslangan. Tadqiqotlar asosan Toshkent va Sirdaryo viloyatlari tumanlaridagi, sabzavot ekinlarining o'simlik bitlari bilan zararlangan maydonlarida hamda o'simliklarni biologik himoya qilish ilmiy-tadqiqot markazlarida olib borildi. O'simlik bitlarining keng tarqalgan asosiy *Aphis craccovora* Koch; *Aphis gossypii* Glow; *Rhopalosiphum nymphaeae*, *Brevicoryne brassicae* turlari va ularning samarali parazit entomofag *Lysiphlebus fabarum* Marsch turining zararlash darajalari o'rganildi.

Kalit so'zlar: G'o'za, biotsenoz, so'ruvchi zararkunanda, agrobiotsenoz, parazit entomofag, o'simlik bitlari, oziqlanish, tur tarkibi, fitofag, biologik usul, bioekologiya, o'simliklar fenologiyasi, biologik samaradorlik.

Аннотация. В ходе научных исследований широко изучена и научно обоснована биологическая эффективность видового состава Лисипхлебус фабарум Марсч представителей семейства (Апхидиidae) и их биологическая эффективность против тлей. Исследования проводились в основном в районах Ташкентской и Сырдарьинской областей, на полях овощных культур, зараженных тлями, и в научно-исследовательских центрах биологической защиты растений. Наиболее распространенными тлями являются Апхис срасовора Коч; Апхис госсипии Глоу; Изучены уровни вредоносности видов Рхопалосипхум нймпахеае, Бревисорине Брассисае и их эффективных паразитических видов-энтомофагов Лисипхлебус фабарум Марсч.

Ключевые слова: Хлопок, биоценоз, сосущий вредитель, агrobiоценоз, паразит-энтомофаг, растительная тля, питание, видовой состав, фитофаг, биологический метод, биоэкология, фенология растений, биологическая эффективность.

Annotation. In the course of scientific research, the biological efficiency of *Lysiphlebus fabarum* Marsch species composition of members of the family (*Aphidiidae*) and their biological effectiveness against plant lice has been widely studied and scientifically based. Researches were carried out mainly in the districts of Tashkent and Syrdarya regions, in the fields of vegetable crops infested with plant lice, and in scientific research centers for biological protection of plants. The most common plant lice are *Aphis craccovora* Koch; *Aphis gossypii* Glow; The damage levels of *Rhopalosiphum nymphaeae*, *Brevicoryne brassicae* species and their effective parasitic entomophagous species *Lysiphlebus fabarum* Marsch were studied.

Key words: Cotton, biocenosis, sucking pest, agrobiocenosis, parasitic entomophagous, plant aphid, nutrition, species composition, phytophagous, biological method, bioecology, plant phenology, biological efficiency.

Kirish. Dunyoda atrof-muhitning global ravishda o'zgarishi qishloq xo'jalik ekinlarida turli zararkunandalar va kasalliklar ta'sir ko'lamining ortib borishiga olib kelmoqda. «Zararkunandalarning salbiy ta'siri dunyo qishloq xo'jaligida 1,4 trillion dollarga teng deb baholanib, bu global yalpi ichki mahsulotning 5% ni tashkil etadi». Shunga ko'ra, qishloq xo'jaligida oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash va qishloq xo'jalik ekinlarini zararkunandalardan himoya qilish tizimini takomillashtirish dolzarb muammolardan hisoblanadi.

Respublikamiz qishloq xo'jaligida keng ko'lamli islohatlar olib borilib, qishloq xo'jaligi ekinlarini zararkunandalardan himoyalashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shuningdek, respublikamiz aholisining ortib borishi hamda eksport jarayonining

jadallashishi tufayli yangi texnologiyalarni ishlab chiqish va qo'llash dolzarb bo'lib qolmoqda. Bu borada sabzavot ekinlarini zararkunanda va kasalliklardan samarali va ekologik sof usullar yordamida himoya qilish muhim hisoblanadi. Jumladan, sabzavot ekinlariga jiddiy zarar keltirayotgan zararkunandalariga qarshi foydali hasharotlarni yetishtirish va qo'llash usullarini takomillashtirish asosiy vazifalardan etib belgilangan. [1.2.5]

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi. Sabzavot ekinlari so'ruvchi zararkunandalardan o'simlik shiralari turlari bo'yicha Toshkent viloyatining sabzavot ekinlari maydonlarida tadqiqotlar olib borildi. Parazit entomofaglardan *Lysiphlebus fabarum* turi bir necha turdagi o'simlik shiralari, alohida tadqiqotlar asosida (Qibray tumani "Salar Agro Fayz" f/x)